

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил

Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 1-ЯНВАР, SESHANBA, 1 (8082)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз юртдошларим!

Қадрли дўстлар!

Янги йилга санокли дақиқалар қолган мана шу шукуҳли дамларда юртимизга кутлуғ қадамлар билан кириб келаётган 2013 йил билан сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириш, самимий тилакларимни изҳор этиш мен учун катта шараф, катта бахтдир.

Ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган воқеаларни, амалга оширган ишларимизни баҳолаб эканмиз, ўз поёнига етаётган 2012 йилни шукроналик туйғуси билан, мамнуният билан кузатишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг исботини авваломбор Ватанимизнинг олдида турган буюк мақсад ва муддаоларга эришиш, замонавий, эркин ва мустақил давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга ошираётган улкан ишларимизда, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишида, аҳолимизнинг яшаш даражаси ва сифати юксалишида, юртимизнинг қиёфаси тобора чирой очаётганида, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ва ўрни кучайиб бораётганида кўришимиз, англашимиз қийин эмас.

Шу борада бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунёдан олаётган юксак марраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда аввало шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигини, бу ютуқларнинг барчасига халқимизнинг кундалик оғир ва машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонатини, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳўкм суратган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни кўз қорачиғидек асраб яшаётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Мамлакатимизнинг тараққиёт суръатларини, ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгариш ва янгиланишларнинг миқдоси ва кўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун биринчи навбатда куйидаги рақам ва кўрсаткичларга эътибор беришимизни ўринли, деб биламан.

2012 йилда жаҳон миқёсда молиявий ва иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, кўпчилик мамлакатларда ўсиш ўрнига пасайиш ҳолатлари юз бераётганига, жиддий ижтимоий муаммолар ва ён-атрофимизда кескинлик, турли қарам-қаршилик кучайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизда иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб, бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоизни, охириги уч йил якуни билан 27,7 фоизни ташкил этганининг ўзи ортиқча таърифлашга ва изоҳлашга ўрин қолдирмайди.

Ўтаётган йилда давлат бюджети умумий харажатларининг 59 фоизи айнан социал соҳаларга, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида аҳолимизнинг



реал, яъни амалдаги даромадларининг ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан ойлик оладиган ҳодимларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Даромадлар ошиши билан аҳолимизнинг банкларда сақланаётган омонатлари ҳажми ўтаётган йилда 34,6 фоизга, охириги уч йилда эса 2,4 қаррага кўпайгани ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганининг яққол кўрсаткичи, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўз якунига етаётган йилда мамлакатимиз миқёсда 9,3 миллион квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 7,2 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилганининг ўзи ҳам шундай ҳулоса чиқаришга асос бўлиши мўқаррар.

Ҳаётимизни тубдан ўзгартираётган бундай мисолларни мамлакатимизнинг турли соҳа ва жабҳаларидан яна кўплаб олиб келиш мумкин.

Ўзбекистон кўлга киритаётган бундай марраларнинг мустаҳкам замини одамларимизнинг, аввало ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, гражданлик позицияси тобора кучайиб бораётганида, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Буларнинг барчаси шу юрtdа яшаётган ҳар қайси инсон ўзининг, оиласининг тақдирини биз учун ягона Ватан бўлмиш Ўзбекистон тақдирини билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраётганидан далолат беради. Ва ҳаётга бундай ёндашиш эр-

танги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворида айлана бормоқда.

Айна шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимизда юз бераётган ана шундай ўзгариш ва янгиланишларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш сиз, азиз юртдошларимга мамлакатимизнинг тараққиёти, уни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек эзгу мақсадларимизни амалга ошириш йўлидаги муносиб хизматларингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун, мана шу мунаввар дақиқаларда янги йилга пок ва кутлуғ ниятлар билан қадам кўяра эканмиз, Оллоҳдан аввало ўз марҳамати ва назарини аямасдан, бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, аҳиллик ва бағрикенгликни, кутбаракани янада зиёда қилишини, бундан буён ҳам доимо йўлимизни очиб беришини сўраймиз.

Биз кириб келаётган янги — 2013 йилга мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб ном бердик. Бунинг замирида халқимиз, Ватанимиз истиқболлини, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишга қаратилган амалий интилишларимиз мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши аён.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини 8,0 фоиздан кам бўлмаган даражага кўтариш, унинг рақобатдошлигини кучайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш, мулкдорлар кафолатини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг виждони бўлмиш маҳалла ваколатларини янада кенгайтириш бўйича бошлаган ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, изчил давом эттирамиз.

Шу борада аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жумладан, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23 фоиздан кўпроқ оширилиши кўзда тутилмоқда.

Янги йилга мўлжалланган бундай дастур ва режаларимизнинг барчаси 2013 йилнинг ўтиб бораётган эски йилдан асло кам бўлмаслигига, ҳаётимизнинг ҳар томонлама файзли ва баракали, сермазмун бўлишига хизмат қилади, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2013 йил билан яна бир бор табриклайман.

Мана шу гўзал айёмда қалбим тўрида бўлган энг эзгу, энг олижаноб тилакларимни сиз азизларимга изҳор этмоқчиман:

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва омад олиб келсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганимиз эл-юртимизни ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги, 2013 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислом Каримов** номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари **Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаганлар.**
Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўладилар:

- Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**
- Хитой Халқ Республикаси Раиси **Ху Цзиньтао**
- Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**
- Хитой Компартияси Марказий Кўмитаси Бош котиби **Си Цзиньпин**
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири **Вэнь Цзябао**
- Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий Кўмитаси Раиси **У Банго**
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазирининг ўринбосари **Ли Кэцянь**
- Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбаев**
- Туркменистон Президенти **Гурбангули Берdimухамедов**
- Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**
- Буюк Британия Бош вазири **Дэвид Кэмерон**
- Канада Генерал-губернатори **Дэвид Стронг**
- Янги Зеландия Генерал-губернатори **Жерри Матепарае**
- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**
- Қувайт Давлати Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
- Мўғулистон Президенти **Цахиагийн Элбэгдорж**
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия Кўмитаси Раиси-Ижро этувчи котиби **Сергей Лебедев**
- Корея “Ханджин групп” компанияси ва “Кореан Эйр” авиакомпанияси Раиси **Чо Янг Хо**
- Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги президенти **Акихико Танака**
- Япония “Марубени” корпорацияси президенти, директорлар кенгаши аъзоси **Теруо Асада**
- Давлатлараро авиация кўмитаси раиси **Татьяна Анодина**
- “ЛУКОЙЛ” ОАЖ президенти **Вагит Алекперов**
- Испания Қироли **Хуан Карлос I**
- Корея Республикаси Президенти **Ли Мён Бак**
- Туркия Республикаси Президенти **Абдуллоҳ Гул**
- Украина Президенти **Виктор Янукович**
- Озарбойжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**
- Қирғиз Республикаси Президенти **Алмамбек Атамбаев**
- Арманистон Республикаси Президенти **Серж Саргсян**
- Корея Республикаси Давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири **Менг Хён Го**
- Япония Парламенти Маслаҳатчилар палатаси аъзоси **Кёко Накаяма**
- Кореянинг “Шиндонг Рисорсиз” компанияси президенти **Ким Ёнг Гу**

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ МАҲЗАЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб voyага етишларида муҳим омили бўлмоқда.
Мамлакатимизда йигирма йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Президент арчаси» байрами тантаналари ҳам барча ўнлиқларнинг доимо меҳр ва ғамхўрлик оғушида камол топаётганидан ёрқин далолатдир.

Бу йил ҳам Янги йил байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг шаҳар ва туманларида «Президент арчаси» байрами тантаналари кўтаринки руҳда ўтказилди. Мақсуд тадбирларга жойлардаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари тақлиф этилди.

Байрам тадбирларида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етув ва баркамол

инсонлар қилиб voyага етказиш, улар келажаги юртимиз келажагига бевоҳита дахлдор масала сифатида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги алоҳида эътироф этилди. Болажонларга Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

Вилоятлардаги мусикали драма ва кўғирчоқ театрлари, академик ҳамда халқ бадий жамоаларининг байрам томошалари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандалари ва болалар бадий жамоаларининг чиқишлари тантаналарга янада файз, кўтаринки руҳ бағишлади. Улкан арча атрофида турли эртак қаҳрамонлари билан биргаликдаги қувноқ кўшиқлар, шодон рақслар болажонларга бир олам завқ, байрамо-



на кайфият бахш этди.
– «Президент арчаси» байрами бизда жуда катта таассурот қолдирди, – дейди Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уй тарбияланувчиси Комила Жабборова. – Ранг-баранг уйинчоқлар билан яратилган улкан арча атрофида кўшиқ айтдик, рақсга

тушдик. Айниқса, Президентимизнинг совғаларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бизга кўрсатилаётган бекиёс эътибор ва ғамхўрлик учун чексиз миннатдоримиз.

– Янги йил байрами биз болалар учун энг сеvimли байрамдир, – дейди Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Моҳинур Абдуҳалимова. – Юртбошимизнинг “Менинг фарзандларим” дея биз ёшларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигига жавобан эл-юртимизга муносиб фарзанд бўлишга интиламиз.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги таълим ва соғлиқни сақлаш, болалар муассасаларида юксак савияда ташкил этилган Янги йил шодиёналарида ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиши ва келажақда жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик яна бир бор ўзининг амалий ифодасини топди. Мақсуд тантаналарда мамлакатимизда ҳар бир фарзанднинг давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслиги, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик фазилатлари яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

ЎЗА

Анжигон Вилоят

ТАДБИРКОРЛИК

“ЭЛЛАДА” МАҲСУЛОТЛАРИГА ЮЗ ФОИЗ ХАРИДОР БОР

Анжигон тумани Ёрбоши қишлоғи Экин-тикин маҳалла фуқаролар йиғини гузарида 80 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига “Эллада” хусусий корхонаси иш бошлади.

Тадбиркор Аҳмадилло Акбаровнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур корхонада аёллар ва эркаклар учун ички кийимлар тикилмоқда. Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 60 фоизи ташки, қолган 40 фоизи эса ички бозорда харидорини топмоқда.

Айни пайтда корхонада 55 нафар тикувчи ва бичувчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг қарийб тенг ярмини коллежларда таҳсил олган ёшлар ташкил этади. Жумладан, Мадинахон Асқарова Анжигон енгил санат колледжини, Моҳларой Ҳошимова Анжигон педагогика касб-ҳунар коллежини, Мақсудахон Абдумажидова эса Орол қишлоғидаги педагогика ва ижтимоий касб-ҳунар коллежини тамомлаган. Уларга Гулбахор Йўлдошева, Умидахон Жўраева каби малакали тикувчилар устозлик қилишмоқда.

Янги иш ўринларини яратиш ва унга жойлаштиришда корхона ва

маҳалла ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, маҳалла фаоллари барчани беш қўлдек билишади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сойибжон Сатторовнинг ҳисоб-китобида қараганда, ҳозирги кунда юзга яқин хотин-қизлар “Эллада” да ишлаш истагиди.

— Яқин кунларда корхонамизда ишлашни ният қилганларнинг орзуси ушалади, — дейди тадбиркор Аҳмадилло Акбаров. — Яқинда ҳамкорларимиз корхонамиз билан танишишди. Бу ерда маҳсулотлар тўлиқ пахта толасидан йиғирилган ва тўқилган матолардан тайёрланаётгани уларни қизиқтириб қолди. Ҳамкорликни янада кенгайтиришни режалаштирдик. Маҳсулотлар миқдорини икки ҳиссасга кўпайтирамиз. Яқин кунларда корхона учун зарур бўлган трикотаж матолар шу ернинг ўзида тўқилади ва бўялади. Шунда ўттизта янги иш ўрни юзага келади. Февраль ойига бориб, корхонада



ишни икки навбатда ташкил этамиш. Натijaда яна 55 киши ишли бўлади. Ишчиларга кулай шароит яратиш борасида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, ишчиларни корхонага олиб келиш, элтиб қўйиш, тушлик корхона маъмурияти зиммасида.

Янги — 2013 йил арафасида “Ўзбекистонда тайёрланган” ёрлиғи билан тайёрланган дастлабки маҳсулотларни орган юк машиналари буюртмачилар томон жўнаб кетди.

Кобилжон АСҚАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Сурғарё Вилоят

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Оилавий тадбиркорлик — обод турмуш асоси

Олим Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида “Оилавий тадбиркорлик — обод турмуш асоси” мавзусида бизнес-форум ташкил этилди. Унда тадбиркорлар, фермерлар, молия муассасаси раҳбар ва ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этидилар.

Бизнес-форумда сўзга чиққанлар республикада тадбиркорлар ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда кенг миқёсда шарт-шароитлар яратилаётганлиги янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш ва маҳаллалар ободлигини таъминлашга хизмат қилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мамлакатимизда кулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги натижасида 2012 йилда тадбиркорлик субъектларига кредитлар

ажратилиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун бошланғич сармояларни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда технологик янгилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Чунонки, 2012 йилда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар 123,8 миллиард сўмга етказилди, ушбу кредитлар ҳисобига жойларда 10 миң 201 та янги иш ўрни яратилди. 2013 йилда вилоятда аҳоли турмуш

фаровонлигини ошириш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида 132 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилиши кўзда тутилаётган. Бизнес-форумда 12 та номинация бўйича ғолиб деб топилган лойиҳа эгаларига 2013 йилда имтиёзли кредитлар ажратилиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Ушбу тадбир боис 200 миллион сўмлик кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритдик, — дейди Гулистон туманидаги “Химолдай чўққиси” фермер хўжалиғи раҳбари Илҳом Чўлпонов. — Ажратилаётган кредит ҳўжалигимизда паррандачиликни ривожлантириш, туманда мелиорация ишларини яхшилашга хизмат қилади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Янги йилда янги телеканаллар

Ушбу йилнинг лойиҳа Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 30 июль куни қабул қилинган “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдирish ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида мазкур янги каналларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Жумладан, “Маданият ва маърифат” телеканали ижодкорларининг асосий мақсади мамлакатимизда миллий маданиятнинг мизини асраб-авайлаш, ривожлантириш, аҳолининг маданий ва маърифий савиясини янада ошириш борасида олиб борилаётган улкан ишларни кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодда илмий кашфиёт ҳамда билим олишга, маданий қадриятларга қизиқишни кучайтириш, илмий-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурларни яратиш, рақамли ва мультимедияли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг маданий ва илмий ҳаётига оид муҳим воқеалар тўғрисида аҳолини ҳар томонлама хабардор қилиб боришдан иборатдир.

“Дунё бўйлаб” телеканали эса халқаро ҳамжамият ва мамлакатимиз аҳолисига Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти, экологик туризмнинг имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида кенг маълумот бериш, илмий-оммабоп ҳамда маърифий дастурларни тайёрлаш, уларни хорижий каналларда тарқатиш каби вазифаларни амалга ошириш, аҳолини халқларнинг ўзига хос анъана ва маданияти, наботот ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам хабардор бўлиб боради.

Матбуот анжумани иштирокчилари, шунингдек, энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган тасвирга тушириш, овоз бериш, видеомонтаж хоналарини кўздан кечириш, янги телеканаллар ижодкорлари, ходимлари учун яратиб берилган шароитлар билан танишиш имконига ҳам эга бўлишди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Навоий Вилоят

КАРМАНАДА СИФАТЛИ ГИПС ТАЙЁРЛАНМОҚДА

“Шамс-Навоий” хусусий фирмаси вилоятдаги кенг қамровли корхоналардан бири. Бугунги кунда мазкур фирма тасарруфиде еттига корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири — “Кармана гипс маҳсулотлари” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Канада қўшма корхонаси қисқа муддатда мамлакат курилиш материаллари бозорига фаол қатнашиш билан бирга, ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришга ҳам эришди.

Корхонада дастлаб энг харидоригр курилиш материалларидан ҳисобланган гипскартон ишлаб чиқарила бошланган эди. Кейинчалик эса гипс цехи ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда курилишда энг кўп ишлатиладиган юқори сифатли Г-4 ва Г-6 маркали гипс тайёрлаш йўлга қўйилган. 2012 йилда мижозлар буюртмалари асосида 50 миң тоннадан ортиқ шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатиши йўлида барча имкониятлар яратил-

ган. Бу борада Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик туфайли жойларда қўллаб янги ишлаб чиқариш корхоналари юзгага келмоқда, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Насриддин Эсонов.

Корхонага гипс хомашёси Зафаробод ва Қарнаб тоғларидан, гипскартон учун ишлатиладиган крахмал ва клей Тошкентдаги бир қатор саноат корхоналаридан келтирилади. Бу ўз-ўзидан маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг пасайишига, миқдорининг эса ошишига хизмат қилапти. Иш уч навбатда ташкил эти-

либ, бир кеча-кундузда ўртача 80 тонна гипс, 2 миң донга гипскартон ишлаб чиқариляпти.

Корхона ташкил топган 2009 йилда иш ўринлари 50 нафарни ташкил этар эди. Бугун эса бу ерда 118 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилляпти. 2012 йилда 6 та янги иш ўрни яратилди. Эътиборлиси, корхонага маҳаллий ёшларнинг жалб этилаётганлиги.

Обод турмуш йилида корхона жамоасининг асосий мақсади сифатли, рақобатбардор маҳсулотлар билан мамлакат ички бозорини бойитиш, экспорт салоҳиятини янада оширишга қаратилган. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, янги технологиялар асосида иш юритаётган корхона ишчиларининг ғайрат ва шижоати бундай эзгу мақсадларнинг амалга ошишига омил бўлади.

Абдурасул САТТОРОВ



БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА САРХИЛ МЕВАЛАР

Бухоро туманидаги “Миршод барака омад” хусусий корхонасининг бир гектарлик иссиқхонаси бор. Ҳар йили бу ерда 50 тонна бодиринг ва 60 тоннага яқин помидор етиштирилади. Кеч кўзда экилган бодиринг қўчатлари ҳозирда айна ҳосилга кирган.

— Халқимизнинг байрам дастурхонига маҳсулотларимизни тортиқ этаётганимиздан ниҳоятда мамнунмиз, — дейди корхона раҳбари Миршод Хотамов.

СУРАТДА: иссиқхона ишчилари Бахшулло Файзиев ва Мадина Латиповалар.

Ҳамрози АЛИ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА

МОДЕРНИЗАЦИЯ ИМКОНИЯТНИ КЕНГАЙТИРДИ

КЕГЕЙЛИ ТУМАНИДАГИ «ХАЛҚОБОД МОМИФИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАШДИ

2012 йилда корхонанинг 11 та хомашё қабул қилиш масканида Нукус, Кегейли, Тахтақўпир, Қораўзақ ва Чимбой туманларидан жами 767 та фермер хўжалиғи томонидан етиштирилган 42100 тонна пахта хомашёси қабул қилинди. Айни пайтдага 24964 тонна пахта қайта ишланди. Шундан 9883 тонна тола, 14614 тонна чигит, 879 тонна линт, жами 27 миллиард 330 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Асосий эътибор маҳсулотларни жаҳон стандартлари талабига мос ҳолатда сифатли ишлаб чиқаришга қаратилмоқда, — дейди жамият бош муҳандиси Аҳмед Утемуратов. — Бу жараёнда янги, замонавий технологиялар муҳим аҳамият касб этаётган. Жумладан, аввалгидек оидий сим ўрнига полиэтилен лента билан ўрайдиган, пахта тоиларини бўз материали ўрнига юмшоқ плёнка билан қоплайдиган янги ускуна олиб келинди. Шунингдек, келгусида Хитой-

дан 10 донга линтер агрегатини олиб келиш режалаштирилган. Корхонада қўшимча иш ўринлари яратиш, ишчиларни арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам кенг қўллаш ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Б.Каримбердиев номли деҳқон-фермер хўжалиқлари бирлашмаси ҳудуддаги пахта қабул қилиш маскани қошида 20 миңга паррандага мўлжалланган кичик ферма курилмоқда. У ишга тушиши билан 22 нафар киши иш



билан таъминланади. Жамият қошида 70 тонна қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини сақлашга мўл-

жалланган совиткич ишга туширилди. Унда 69 нафар киши, асосан, хотин-қизлар жамият билан тузил-

ган шартнома асосида касаначилик усулида меҳнат қилмоқда.

— Жамоамизда кўп йиллик тажрибага эга ходимлар билан бирга касб-ҳунар коллежларини битириб келган энг мутахассислар ҳам меҳнат қилмоқда, — дейди жамият қасба уюшмаси раҳбари Саймуҳаммад Пиржонов. — Иш уч навбатда олиб борилиб, ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган.

Ҳа, Кегейли туманидаги йиллик санат корхоналаридан бири “Халқобод момифи” акциядорлик жамияти жамоаси ўтган йилни ижобий кўрсаткичлар билан якунлаб, Юртбошимиз томонидан эълон қилинган “Обод турмуш йили”ни яхши кайфият ҳамда катта режалар, эзгу ниятлар билан қўтиб олишди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири. Оқилбой УРОЗОВ олган сурат.

ЛОЙИХАЛАР ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг икки юздан ортиқ шеърларини ўз ичига олган “Оила — қўтлуғ бегим” шеърый тўплами ҳам тақдим этилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммаджонова таъкидлаганидек, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар амалга оширилди. 2012 йил 8 мартдан амалга оширила бошлаган “Камолот” да меҳмонда” онлайн-лоийҳаси шулар жумласидандир. Мазкур лойиҳа доирасида маданият, санъат ва фан арбоблари иштирокида онлайн-анжуманлар ўтказилди. Улар ёшларни тўғлаган тажриба ва билимлари билан таништирди. Шунингдек, икки босқичли “Йилнинг энг фаол ёш журналисти” танлови ҳам юксак даражада ташкил этилди. Унда 30 ёшгача бўлган 550 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. 15 нафар истеъдодли ва фаол ёш журналисти танлов ғолиби деб топилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати академик лицейи ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва битирувчиларига оид лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида “Менинг бизнес ғоям” ва “Ёш тадбиркор — элга мададкор” танловлари ташкил этилди. Уларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари ўз ишини йўлга қўйиш бўйича бизнес-ғоялари билан иштирок этди. Танлов ғолибларига ўз бизнесини ташкил қилишда имтиёзли кредит олиш учун ёрдам кўрсатилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши давомида ёшларга 14 миллиард сўмликдан ортиқ кредит ажратилди.

Роман БОНДАРЧУК, Ўза мухбири.

АВИЗ ВАПАНДОШЛАР!

Сизларни Президентимиз пашаббуси билан «Обод турмуш йили» деб номланган янги — 2013 йил билан йил дилдан мувофаққод этамиз. Янги йилда бардамизнинг қалбимиздан шоду хуфрамлик, эзгу ниятлар, хонадонларимиздан тўқин-соғинлик, файзу барақа аримасин. Озод ва обод Ўзбекистонимизни ривожлантириш, унинг иқтисодийетини янада юксалтириш йўлидаги ишларимиз ҳаммша барофидан келсин. Мудом юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

«ТОШКЕНТ ВИНО
КОМБИНАТИ»
ОАЖ ЖАМОАСИ

«НУРЭЛЕКТРОМОНТАЖТАЪМИР»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

вапандошларимизни
яни — 2013 йил

билан мувофаққод этади!

Юртимизда амалга оширилаётган яратувчанлик ишлари бардавом бўлсин! Янги йил ҳаётимизга янада гўзаллик ва янги ланишлар олиб келсин.

UZTRANGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

UZTRANGAZ

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Янги йил
билан қўтлайди!

2013 йил — Обод турмуш

йилида бардамизга
муқтаҳкам соғлиқ,

омилаларимизга

тинчлик-хотиржамлик

тиллайди. Янги йилда барга

эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга

тиксин. Юртимиз бундан-да

обод, турмушимиз янада

фаровон бўлсин!

Бош
муҳаррир:
Чори
ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон
Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Аграрно-иқтисодий
тартиқбидоғи ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Фарход
ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса
АНОРБОВ, Абдирахоб ТАМИКАЕВ,
Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Суният САЙДАЛИЕВ,
Омонулло ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат
НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин
АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги
томонидан 2009
йил 13 февралда
№ 0020-рақам
билан рўйхатдан
ўтказилган.

ISSN 2010-7021

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий-
сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891)
247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890)
278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50;
Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва
эълонлар —

236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни
учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи
муҳаррир:
А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиж:
О.ОЧИЛОВ
Дизайнер:
М.СОБОМУХАММЕДОВА